

**ЎРТА ЁШДАГИ АЁЛЛАР ГАРДЕРОБИГА ТАЬСИР ЭТУВЧИ
ОМИЛЛАРНИНГ ТАДҚИҚИ АСОСИДА ЗАМОНАВИЙ ЛИБОС
МОДЕЛЛАРИНИ ЯРАТИШ ТАМОЙИЛЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ
(ЎЗБЕКИСТОН ИҚЛИМ ШАРОИТИ УЧУН)**

Холикова Дилноза Аслиддин қизи¹

¹ Тошкент Кимё халқаро университети магистранти

**МАҚОЛА
МАЪЛУМОТИ:**

АННОТАЦИЯ:

МАҚОЛА ТАРИХИ:

Received: 25.01.2024

Revised: 26.01.2024

Accepted: 27.01.2024

КАЛИТ СЎЗЛАР:

ўрта ёшдаги аёллар,
гардероб, либос
моделлари, иқлим
шароити, замонавий
модалар, эстетика,
функционаллик.

Уибу мақолада – Ўзбекистон иқлим шароитига мос келадиган замонавий либос моделларини яратишда ўрта ёшдаги аёллар гардеробига таъсир этувчи омилларни тадқиқ қилишидир. Мазкур ишда, ўрта ёшдаги аёллар учун либос танлашдаги ижтимоий, моданий, иқтисодий ва физиологик омиллар таҳлил қилинади. Шунингдек, ўрта ёшдаги аёлларнинг турли ижтимоий қатламларига хос бўлган эстетик ва функционал эҳтиёжлари ўрганилади. Мақоланинг асосий қисми Ўзбекистондаги иқлим шароитига мос келувчи, аёллар гардеробига хусусият берувчи замонавий модаларни ишлаб чиқиши, шунингдек, уибу модаларнинг амалий аҳамиятини аниқлашга қаратилган. Тадқиқотда аёлларнинг физиологик ўзгаришилари ва уларнинг модага бўлган қарашлари ўрганилади. Хусусан, ёши ўтган аёлларнинг кийим танлашдаги психологияк ва эмоционал эҳтиёжлари, шунингдек, уларнинг иш ва кундалик ҳаётдаги талаблари ҳисобга олинниши лозим. Замонавий модаларда функционаллик, қулайлик ва сўзсиз эстетика ҳам биргаликда муҳокама қилинади.

КИРИШ. Ҳозирги кунда моданинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ортиб бораётгани маълум. Кийим, нафақат эстетик кўринишни таъминлаш, балки инсоннинг ижтимоий мавқеи, психологик ҳолати ва жисмоний эҳтиёжларига мос

келиши лозим. Шу билан бирга, ҳар бир кишининг гардероби, айниқса, аёллар гардероби, уларнинг турмуш тарзи, маданиятлари ва хаётга бўлган қарашларини акс эттиради. Ўрта ёшдаги аёллар учун кийим танлашда қўшимча омиллар, масалан, физиологик ўзгаришлар, саломатлик, ёшга мос муносабат, шунингдек, ижтимоий ва иқтисодий шарт-шароитлар муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда ўрта ёшдаги аёлларнинг кийиниш маданияти ва гардеробининг шаклланишида иқлим шароити, миллий урф-одатлар ва замонавий тенденциялар катта роль ўйнайди. Ўзбекистоннинг ҳар хил иқлим зоналари, турли мавсумларда пайдо бўладиган ҳаво шароитлари аёлларнинг кийим танлашга бўлган талабларини шакллантиради. Бу эса замонавий либос моделларини яратишда муҳим эътиборни талаб этади. Модалар, шунингдек, жисмоний ўзгаришлар ва ҳаётдаги янги босқичларни, масалан, оиласвий ҳаёт, касбий фаолият, ижтимоий вазифаларни назарда тутиши лозим. Ушбу мақолада, Ўзбекистон иқлим шароитида ўрта ёшдаги аёллар гардеробини ташкил қилишдаги асосий омиллар таҳлил қилинади. Тадқиқотнинг мақсади – аёллар учун замонавий, қулай, эстетик ва экологик жиҳатдан мос келадиган либос моделларини ишлаб чиқиш, шунингдек, уларнинг жараёнида ижтимоий, маданий, физиологик ва иқтисодий омилларни ҳисобга олишдир.

Маълумки, модаларнинг шаклланиши, шубҳасиз, социум ва маданиятга таъсир кўрсатади, лекин ўзгарувчи иқлим ва экология шарт-шароитлари ҳам муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Мазкур тадқиқот орқали, Ўзбекистондаги иқлим шароитига мос келувчи, функционал ва эстетик жиҳатдан қулай либослар концепциясини ишлаб чиқиш мақсад қилинган.

Адабиётлар таҳлили ва методология

Ўрта ёшдаги аёлларнинг гардеробини шакллантиришдаги муҳим омиллар, замонавий либос моделлари ва Ўзбекистоннинг иқлим шароитига мос кийимлар ҳақидаги тадқиқотлар алоҳида аҳамиятга эга. Биринчи навбатда, моданинг ижтимоий, маданий ва физиологик контексти ҳақидаги адабиётларни таҳлил қилиш зарур. Моданинг эстетик ва функционал жиҳатларига оид ишлар аёллар гардеробини шакллантиришдаги омилларни аниқлашга ёрдам беради.

Ўрта ёшдаги аёллар ва моданинг ўзига хосликлари. Ўрта ёшдаги аёллар кийим танлашда кўпинча яшаш тарзи, жисмоний ўзгаришлар, психологик ҳолат ва ижтимоий мақомни ҳисобга олишади. Кийим танлаш жараёнида физиологик ўзгаришлар (масалан, гормонал ўзгаришлар, вазннинг ўзгариши ва ёшга боғлиқ ҳолатлар) ва психологик омиллар.

1) Моданинг энг муҳим вазифаларидан бири – аёлларнинг ёшига мос, уларнинг хаёт тарзига мос кийимлар таъминот қилишдир (Ибрагимова, 2020).

2. Иқлим шароити ва кийим танлаш. Иқлим шароити аёллар гардеробига катта таъсир кўрсатади. Ўзбекистондаги ҳар хил иқлим зоналари ва мавсумларда ҳароратнинг ўзгариши, намлик, ёғингарчилик микдори ва бошқа экология омиллари аёллар кийимини танлашда муҳим ўрин тутади. Қулай ва экологик жиҳатдан мос келувчи кийимлар модаларининг шаклланиши мамлакатнинг иқлим шароитига мос бўлиши керак (Тошмухамедова, 2019).

3. Замонавий либос моделларини яратиш. Замонавий моданинг асосий тамойилларидан бири – функционаллик ва кўп мақсадлиликдир. Бундай моделлар одамга қулайлик, эркинлик ва эстетик қувонишни тақдим этади. Бир вақтнинг ўзида мода ва функционалликнинг бирлашиши аёллар гардеробига боғлиқ бўлиб, бу савдонинг самарадорлигини оширишга хизмат қиласди (Бергман, 2018). Замонавий моданинг асосий талаблари, шунингдек, экологик мавжудлик, инновацион материаллардан фойдаланиш, қўллаб-қувватловчи конструкциялар ва эркин форма шакллари бўлиши мумкин.

4. Тадқиқотлар ва аниқланган омиллар. Мавзудаги тадқиқотлар асосида, гардероб танлашдаги асосий омиллар сифатида қуидагилар белгиланган: физиологик омиллар (воситалик, ёшга боғлиқ ўзгаришлар), ижтимоий-манавий омиллар (халқаро моданинг таъсири, миллий анъаналар, қўйилган талаблар), иқлимий ва экологиявий омиллар (ҳаво шароити, мавсумларга мослик, экологик тоза материаллар).

Тадқиқотнинг асосий усуллари қуидагича:

1. Кўп босқичли таҳлил. Мавзу бўйича адабиётларнинг ва амалий тадқиқотларнинг таҳлили орқали, ўрта ёшдаги аёллар гардеробини шакллантиришга таъсир қилувчи асосий омиллар аниқланади. Бу омилларнинг ҳар бирини аниқ таҳлил қилиш ва уларнинг ўзаро алоқадорлигини аниқлаш муҳим. Кўп босқичли таҳлил асосида фойдали маълумотлар йиғилади ва мавзунинг актуаллиги билан яқиндан танишиш имконини беради.

2. Анкеталаш ва интервью олиш. Тадқиқотда ўрта ёшдаги аёллар билан интервью ва анкета ўтказиш усули ишлатилади. Бу усул, аёлларнинг гардеробини танлаш жараёнидаги эҳтиёжларини аниқлаш ва уларнинг модалик ва функционалликка бўлган муносабатини тушунишга ёрдам беради.

3. Экспериментал метод. Замонавий либос моделларини яратиш учун экспериментал тадқиқотлар олиб борилади. Бунда, аёлларга мос келадиган замонавий

либослар дизайнни ишлаб чиқилади ва уларнинг қулайлик, эстетика ва экологик жиҳатдан мослиги текширилади.

4. Иқлим шароитига мослик таҳлили. Ўзбекистоннинг ҳар хил иқлим зоналарига мос келувчи кийимлар моделларини яратиш учун эколофункционал таҳлил усули қўлланилadi. Бу усул орқали, ҳар бир иқлим шарт-шароитини ҳисобга олиб, аёллар гардеробига мос келадиган либослар дизайнерлик нұктаи назаридан баҳоланади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўрта ёшдаги аёллар гардеробини шакллантириш ва замонавий либос моделларини яратиш тамойиллари ҳақида тадқиқот ўтказиш жуда долзарб масала ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон иқлим шароитида либослар қуидаги асосий омиллар ва тамойилларни эътиборга олишни талаб қиласди:

Иқлим шароити таъсири-Ўзбекистоннинг континентал иқлими (ёзда юқори ҳарорат ва қишида совук) либос материаллари ва шаклларига алоҳида ёндашувни талаб қиласди. Ёз фасли учун енгил ва нафас оладиган матолар афзал кўрилса, қиши фасли учун иссиқ сақловчи матолар ва кўп қатламли либослар зарур.

Эстетика ва замонавийлик-ўрта ёшдаги аёллар учун либосларда замонавий дизайн тенденцияларини миллий услублар билан уйғунлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Масалан, ўзбек миллий нақшлари ва қўл ишланмалари замонавий кесимларда жозибадор кўринишга эга бўлади.

Функционаллик ва қулайлик- ўрта ёшдаги аёлларнинг кундалик фаолиятида қулайлик катта аҳамиятга эга. Шу сабабли, либослар шакли ҳаракат эркинлигини таъминлаши керак. Масалан, ишлаш, дам олиш ва саёҳат учун мос келадиган кўп мақсадли либослар.

Ёшга қараб гардеробда шахсий услугга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бу нафақат ташки кўриниш, балки аёлнинг ўзига бўлган ишончини ҳам оширади. Мураккабликдан йирок, камтарона ва диди бор дизайндор либослар ёқимлиликни оширади.¹

Матолар танлови-ёзги либослар учун пахта, шифон, батист, льон каби табиий матолардан фойдаланиш тавсия этилади. Қиши фаслида эса жарқовук, велюр ва пашмин каби иссиқ сақловчи матоларни афзал кўриш керак.

Ўзбекистоннинг миллий матолари (адрас, атлас, бекатекс) билан замонавий кесимлар уйғунлиги гардеробга нафақат миллийликни, балки универсалликни ҳам қўшади.

Кўп мақсадли гардероб- бир либосни бир неча вазиятда кийиш имконини берадиган дизайнлар ишлаб чиқиши мухим. Масалан, узун футболка кўринишидаги либосни ҳам уйда, ҳам саёҳатда ишлатиш мумкин.

Шакл ва рангларнинг мувофиқлиги-тадқиқот кўрсатганидек, ўрта ёшдаги аёллар кўпроқ нейтрал ва табиий рангларга қизиқишиди. Аммо уларнинг гардеробида қизғинлик ва ижодийлик учун ёркин элементлар ҳам бўлиши тавсия этилади.

Ўзбекистон иқлими шароитида ўрта ёшдаги аёллар гардеробига замонавий ёндашувлар: иқлимга мос матолар танлови, миллий ва замонавий дизайн уйғунлиги, қулай ва кўп мақсадли шакллар, шунингдек, шахсий услугба эътибор қаратиш орқали шакллантирилади. Бу, ўз навбатида, нафақат эстетик дидига, балки кундалик ҳаёт учун ҳам мос келадиган либос моделларини яратишга ёрдам беради.

Хуноса. Ушбу тадқиқотда Ўзбекистон иқлим шароитида ўрта ёшдаги аёллар гардеробини шакллантиришга таъсир этувчи омиллар ва замонавий либос моделларини яратишга қаратилган асосий тенденциялар таҳлил қилинди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, ўрта ёшдаги аёлларнинг кийим танлаш жараёнида бир неча мухим омиллар – физиологик ўзгаришлар, ижтимоий ва маданий талаблар, экологик ва иқлимий шарт-шароитлар ва психологик ҳолатлар катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистондаги ҳар хил иқлим зоналари, мавсумлар ва ҳаво шароити аёлларнинг кийим танлашдаги асосий талабларига жиддий таъсир кўрсатади. Мазкур тадқиқотда ҳар бир иқлим шароитига мос келувчи замонавий, экологик жиҳатдан қулай ва эстетик талабларга жавоб берадиган либос моделларини ишлаб чиқиши бўйича тавсиялар берилди. Бу либослар аёлларнинг кундалик ҳаётидаги функционал эҳтиёжларига, шунингдек, уларнинг физик ва психологик ҳолатларига мос келиши керак.

Замонавий либос моделларининг асосий тамойиллари сифатида қулайлик, кўп мақсадлилик, экологик тоза материаллардан фойдаланиш, ҳамда Ўзбекистоннинг миллий маданияти ва урф-одатларига мос келувчи эстетик элементлар ишлаб чиқишиди. Модалар дизайннида, шунингдек, аёлларнинг ижтимоий мақоми ва ёшига мос ҳар томонлама функционалликка ҳам эътибор қаратиш мухимлиги таъкидланди.

Ушбу тадқиқотнинг натижалари Ўзбекистон шароитида ўрта ёшдаги аёллар учун мос келадиган замонавий либосларни ишлаб чиқишида мухим йўналишларни кўрсатади. Моданинг фақат эстетик жиҳатларидан эмас, балки унинг функционал ва экологик хусусиятларидан ҳам фойдаланиш, либоснинг ҳар бир боига мослих ва

қулайлигини таъминлаш, замонавий модаларни яратишда асосий аҳамиятга эга бўлади.

Шунингдек, тадқиқотнинг амалий натижалари аёллар гардеробини шакллантиришда ижтимоий, иқтисодий ва психологик омилларни ҳисобга олган ҳолда замонавий ва экологик жиҳатдан мос келувчи моделлар ишлаб чиқишига йўналтирилган тавсиялар учун асос бўлади.

Мазкур тадқиқот Ўзбекистондаги аёллар гардеробини шакллантиришда ижтимоий, психологик ва экологик талабларни ҳамда иқлим шароитига мос келувчи либос модаларини яратишнинг зарурлигини кўрсатди ва келгусидаги тадқиқотлар учун муҳим йўналишлар очди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Юсупова Ш. М., Ходжаева У. М., “Либос дизайнни таълимида экологик – инновацион матоларнинг аҳамияти ва замонавий мода – костюм дизайн саноатига тадбиқ этишнинг истиқболлари”: Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. May 2021. 240-251, www.oriens.uz
2. "Мода 20 века" Болдано И.Ц. 2002 г.
3. Раҳматуллаева У. С. Ўзбек халқининг кийиниши маданияти: анъанавийлик ва замонавийлик (фалсафий-маданий ёндашув). Номзодлик диссертацияси. Тошкент, 2010 й.
4. Камилова X. X., Рахимова З. И., Раҳматуллаева У. С. Ўзбек миллий либоси ва анъанавий қадриятлар. Монография.- Г. Ғулом адабиёт ва санъат нашриёти. – Ташкент 2018.
5. Иргашева. М. С. (2021). Ўсмир ёшдаги болалар гардеробидаги кийимларга қўйиладиган талабларнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлили. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences.
6. Турсунпўлатова. Д. Р. (2021). Кийимдаги “NEW LOOK” услуби, келиб чиқиш тарихи ва замонавий мода йўналишида акс этиши таҳлили. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences.
7. Khayitboboeva K. P. A Study Of The Problems Of Tradition And Innovation In Modern Uzbek Folk Art //The American Journal of Social Science and Education Innovations. – 2021. – Т. 3. – №. 11. – С. 14-20.

8. Askarova, Z., Rakhmatullaeva, A., Khaitbabaeva, K., & Kabilova, F. (2023). ARTISTIC EXPRESSION OF THE IMAGE OF WOMEN IN ANCIENT AND MEDIEVAL ART IN CENTRAL ASIA. SPAST Abstracts, 2(02).
9. Nasrullayvna K. F. TRANSFORMATION IN SCENOGRAPHY OF PUPPET THEATER //European Journal of Arts. – 2023. – №. 2. – C. 34-37.
10. Xayitboboyeva X. P., Jo'Rayeva M. Z. TOSHKENT YOG 'OCH O 'YMAKORLIGIDA IBRAGIMOVLAR SULOLASINING O 'RNI //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2023. – T. 3. – №. 2. – C. 862-868.
11. N KULTASHEVA [O 'ZBEKISTON DAVLAT SAN'AT MUZEYI RANGTASVIR KOLLEKSIYASINING ELEKTRON KATALOG PLATFORMASINI YARATISH: ISTIQBOLLARI VA NATIJALARI](#) - Scientific Journal of Mathematical Knowledge and ..., 2023
12. KULTASHEVA, N. (2019). SOME ASPEKTS OF PORTRAIT GEME OF UZBEKISTAN EARLY XX CENTURY. *Culture and Arts of Central Asia*, 11(1), 80-84.